

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДМОНОВА ДИЛДОР ЭРГАШЕВНА

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ
(метафорик ходисалар мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Шодмонова Дилдор Эргашевна

Абдулла Орипов шеърятининг лингвопоэтик хусусиятлари

(метафорик ҳодисалар мисолида) 5

Шодмонова Дилдор Эргашевна

Лингвопоэтические особенности поэзии Абдуллы Арипова

(на примере метафорических явлений) 25

Shodmonova Dildor Ergashevna

Linguo-poetic features of Abdulla Oripov's poems

(analyses on the metaphorical features of poems) 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 51

**ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.30.05.2018.Fil.70.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ШОДМОНОВА ДИЛДОР ЭРГАШЕВНА

**АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ
(метафорик ходисалар мисолида)**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Қарши – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Fil931 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Қарши давлат университети веб-саҳифасининг www.karshidu.uz ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталининг www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шодмонов Нафас Намозович
филология фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Пардаев Азамат Бахранович
филология фанлари доктори

Абузалова Меҳринисо Кадировна
филология фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Қарши давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.30.05.2018.Fil.70.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0375) 221-00-56; e-mail; qarshidu@umail.uz). Қарши давлат университети, Филология факультети фаоллар зали.

Диссертация билан Қарши давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 180103, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17. Тел: (0 375) 225-34-13; факс: (0 375) 221-00-56; e-mail; qarshidu@umail.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ тарқатилди.
(2019 йил _____ даги «__» рақамли реестр баённомаси).

Х.Жабборов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.ф.д.

Г.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, ф.ф.ф.д. (PhD)

Д.Тўраев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий
семинар раиси, ф.ф.д., проф.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX аср жаҳон илм-фанида конкрет бадий образнинг метафорик талқин билан муносабатига оид материалларга асосланган тадқиқотлар кўлами кенгайди. Тилшунослик ва адабиётшуносликнинг турли аспекти негизида амалга оширилган мазкур изланишлар сирасида метафорага нисбатан турли ёндашувлар кузатилди ва шунга мос тарздаги хулосалар олинди. Мавжуд изланишлар кўлами XX аср филологик назарияларни янги концепциялар билан бойитибгина қолмай, метафорология борасидаги билимларнинг оптималлашувида ҳам маълум даражада хизмат қилди.

Дунё тилшунослигида оламни эстетик идрок этиш ва сўз қўллаш санъатига лингвокультурологик, этнолингвистик ҳамда лингвокогнитив ёндашиш натижасида бадий тафаккур механизмини очиш, бадий нутқнинг образли шаклланиши, унинг бадий ҳамда лингвоэстетик таъсир даражасини очиб берувчи тадқиқотлар яратилаётгани эътиборлидир. Шунингдек, “бадиият ва метафора”, “метафора ва образ”, “метафора ва бадий асар тили” сингари муаммоларга кенг ўрин берилмоқдаки, бу ҳолат нафақат адиб ёки шоирнинг оламни идрок этиш принциплари, балки бутун бир ижтимоий тузум характерини белгилаш имконини беради.

Ўзбек тилшунослигида адиб ва унинг асарлари тилида етакчи унсур бўлиб юзага чиқувчи тасвирий воситаларнинг лисоний хусусиятларини очиб берувчи қатор илмий изланишлар амалга оширилди. Мустақиллик йилларида тил, адабиёт ва маданият муштарақлиги масаласининг долзарбланиши мутолаа маданиятини юксалтиришга, ўзбек халқининг миллий ўзлигини англашига, тафаккурни янгилашга бўлган эҳтиёжи натижасидир. Бинобарин, “Она тилимиз ва миллий адабиётимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодимизга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номларидаги ижод мактабларини ташкил этдик. Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида энг аввало ўзбек тили ва адабиётини, бадий ижод сирларини чуқур ўрганиш учун барча шароит яратилмоқда”¹. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг бадий маҳорати, сўз қўллашдаги санъаткорона услуби оригиналлиги ва фавқулоддалиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўзида бадийлик ва фалсафийлик мувозанатини уйғунлаштирган лирикасида, халқ тарихининг залварли даври, миллатнинг буюк намояндалари ибратли фаолиятини бадий тараннум этишнинг гўзал намуналари бўлган дostonлари, бетакрор таржималарида ўзбек тили лисоний имкониятларидан юксак даражада фойдаланишини кўради. Лисоний имконият воқеланишининг ёрқин намунаси – унинг бадий нутқда юзага чиқиши. Ижодкорнинг маҳорати ана шу имкониятдан қай даражада фойдаланиши ва имконият кенгайиши учун қанчалик ҳисса қўшиши билан белгиланади. Бадий

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Миллий ўзлимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли” мавзусида Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи, 2019, 22 октябрь. №218 (7448).

нутқда ўзбек тили лисоний имконияти умумий меъёр асосида юзага чиқар экан, бунда ҳар бир ижодкорнинг индивидуал маҳорати, бир томондан бадий нутқ имкониятининг воқеланишини кенгайтирса, иккинчи томондан, имконият бойишига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Абдулла Орипов ижоди бу борада алоҳида хусусиятга эга. Бу, ўз-ўзидан, мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ – 5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тил лисоний имкониятининг маълум бир адиб ижодида воқеланиш хусусияти тадқиқотчилар томонидан ҳар хил аспектда турли методологик ва методик асосда ўрганиб келинмоқда. Буни бадий асар тилининг лексик-грамматик хусусиятини ўрганиш²,

²Новиков Л.А. Художественный текст и его анализ. – М.: Русский язык, 1988. Назарова О. О языке произведений Хамзы Хакимзаде Ниязи: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1944; Раҳмагуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишер Навои: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Тошкент, 1965; Рустамов А. Алишер Навоий асарлари тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари: филол.фан.докт. дисс. – Тошкент, 1969; Самадов К. Некоторые вопросы языкового мастерства Айбека: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1967. Бафоев Б. Сложные существительные в лирике Алишера Навои: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1968.; Шомаксудов А. Муқимий сатираларининг тили. – Тошкент, 1970. Чарыев Б. Некоторые вопросы лексики поэзии Г.Гуляма: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1972. Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин»: автореф. дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1973; Ярыев Б. Язык поэзии Максуда Шайхзаде: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Махматмурадov Ш. Язык «Дивана» Хамзы Хакимзаде Ниязи: автореф. дисс. анд. филол. наук. – Тошкент, 1982; Каримов С. Язык и стиль произведений Зулфии: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1983. Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: Филол.фан.докт. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1990; Абулхайров М. “Девони Мунис” тилининг лексик қатламлари: Филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 1996. Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадий тил маҳорати: Филол.фан.номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000. Азимов И. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: филол.фан.номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадий асарлари лексикаси: филол.фан.номз. дисс. автореф.– Тошкент, 2001; Раҳматов М. Алишер Навоийнинг насрий асарларида чун боғловчили гапларнинг синтактик хусусиятлари: филол.фан.номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2006.

тил бирлигининг лингвостилистик³ ҳамда лингвопоэтик тадқиқи⁴ тарзида уч гуруҳга бўлиш мумкин. Шунда ушбу диссертация ишига тегишли икки муаммо юзага чиқади:

биринчидан, амалга оширилган илмий тадқиқотларда бадиий асар тили формал-функционал ёндашув асосида тадқиқ этилмаган;

иккинчидан, ўзбек шеъриятининг ёрқин намояндаси Абдулла Ориповнинг ўзбек тили лисоний имкониятидан фойдаланиш маҳорати ҳеч бир аспектда лингвистик текшириш манбаи бўлмаган. Бу эса шоир поэтик ижодининг лингвопоэтик хусусиятларини формал-функционал аспектда ўрганишнинг мақсад ва вазифасини белгилашга асос бўлади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Қарши давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ҳозирги ўзбек тили тилшунослигининг долзарб масалалари” ва “Ўзбек тили лексик сатҳининг система сифатидаги тадқиқи” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шоир Абдулла Ориповнинг поэтик нутқини илмий ўрганиш вазифасини белгилаш ва шоирнинг ўзбек тили лисоний имкониятидан бадиий фойдаланиш маҳоратини шеъриятининг лингвопоэтик хусусияти мисолида текширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

поэтик нутқни лисон-нутқ тамойили асосида ўрганишнинг лингвопоэтик тадқиқот кўриниши сифатидаги хусусиятини белгилаш;

метафоранинг лингвистик ва когнитив хусусиятларини ёритиб бериш;

Абдулла Орипов бадиий нутқини лингвопоэтик тадқиқ қилиш вазифасини белгилаш;

³Шоабдурахмонов Ш. «Равшан» достонининг тили ва стили: Филол.фан. д-ри. дисс. – Ташкент, 1949; Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1969; Шомақсудов А. Муқимий сатираларининг тили. – Тошкент, 1970. Қўчқортоев И. Абдулла Қаҳҳорнинг фразеологик новаторлиги: филол.фан.номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1975. Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Абдиев Э. Язык и стиль драм Камила Яшина: автореф. дисс.канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. Чориев Т. Садриддин Айний публицистик асарларининг тили ва услуби (лексика ва фразеология): Филол.фан.номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 2001; Боймирзаева С.У. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: филол.фан.номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол.фан.номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2006; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: филол.фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000.

⁴Мирзаев И.К. Проблем лингвопоэтической интерперетации стихотворного текста: автореф. дисс. докт. филол.наук. – Ташкент, 1991; Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. – № 4; Мухаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи: филол.фан.номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004. Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр». – Тошкент, 1982; Йўлдошев М.М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: филол.фан.номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Якуббекова М.М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол.фан.номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Жуманазарова Г. “Ширин ва Шакар” достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари. (Фозил Йўлдош ўғли варианты асосида): Филол.фан.номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2008; Йўлдошев М.М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол.фан.д-ри. дисс. – Тошкент, 2009; Анданиязова Д.Р. Бадиий матнда ономастик бирликлар лингвопоэтикаси: Филол.фан. фалсафа док. (PhD) автореф. – Тошкент, 2017; Тошхўжаева Ш.Ф. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси: Филол.фан. фалсафа док. (PhD) автореф. – Тошкент, 2017.

умумлисоний қонуният бўлган метафоранинг Абдулла Орипов шеъриятида воқеланиш хусусиятини ўрганиш ва бунда шоир маҳоратини баҳолаш;

бадий метафоранинг Абдулла Орипов шеъриятида воқеланиш хусусиятини ўрганиш ва бунда шоир маҳоратини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти Абдулла Орипов шеъриятида қўлланган метафоралардир. Тадқиқ материаллари – шоир шеърий асарлари.

Тадқиқотнинг предмети метафораларнинг семантик, семантик-грамматик, бадий хусусиятларидир.

Тадқиқотнинг усуллари. Тавсифлаш методи, систем таҳлил методи, контекстуал таҳлил методи, дифференциал-семантик таҳлил методи, дистрибутив таҳлил методи.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

поэтик нутқни лисон-нутқ тамойили асосида ўрганишда меъёрнинг ўрни ва лисон-меъёр-нутқ трихотомияси очиб берилган;

Абдулла Орипов шеъриятида қўлланган бирламчи ва иккиламчи номинатив метафорик маънолар аниқланган;

шоир шеъриятидаги метафоранинг когнитив функцияли ва образли метафорик маъно турлари ажратилган;

метафораларнинг маънавий бадий санъатлар ҳосил қилиши ва бадий-эстетик вазифалари ёритиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижасида олинган хулосалар тилшунослик фанини янги илмий натижалар билан бойитиши, лингвопоэтика соҳаси ривожланиши учун аҳамиятли бўлган илмий қарашларнинг шаклланишига хизмат қилиши аниқланган;

поэтик нутқни лисон-нутқ тамойили асосида ўрганишда меъёрнинг ўрни ҳамда метафоранинг когнитив табиати, лисоний имконият сифатидаги хусусиятлари ва Абдулла Орипов шеъриятидаги метафорик кўчма маънонинг семантик, семантик-грамматик таснифи, функционал турлари ва бадий-эстетик вазифаларига оид натижалари ўзбек тилшунослигида муҳим маълумотлар бўлиб хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган илмий усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг илмий методлар воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги, тилшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида таҳлил ва талқин қилинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Диссертациянинг илмий натижалари ўзбек тилшунослигининг лингвопоэтика соҳасига, шоир ижодини яхлит лингвопоэтик ва лингвостилистик ўрганишга маълум даражада ҳисса қўшади. Ишда қўлланган тадқиқ усуллари ҳар қандай ижодкорнинг тил лисоний имкониятидан бадий фойдаланиш хусусиятини

ўрганишда самарадор эканлигини асослайди ва тадқиқот шу соҳада келгусида бажарилажак иш учун назарий манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти бадиий матн таҳлили, лингвопоэтик таҳлил, матн лингвистикаси ҳамда Абдулла Орипов ижодига доир тилшунослик ва адабиётшунослик фани бўйича ихтисослик таълими ва танлов фани ташкил этиш, дарслик ва қўлланма яратиш, шунингдек, адабий тўғарак иши учун материал сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абдулла Орипов шеърятининг лингвопоэтик хусусиятлари, яъни шоир шеърятда қўлланган метафорик ҳодисаларни тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

поэтик нутқни лисон-нутқ тамойили асосида ўрганишда меъёрнинг ўрни ҳамда метафоранинг лисоний имконият сифатидаги хусусиятлари ва когнитив табиати билан боғлиқ натижаларидан ФА-Ф1-Г04 рақамли “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг мустақиллик даври таракқиётини тадқиқ этиш” номли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3711-сон маълумотномаси). Натижада поэтик нутқни лисон-нутқ тамойили асосида тадқиқ қилишда метафоранинг лисоний имкониятлари ва нутқий воқеланишларини асослаш бўйича муайян хулосалар чиқариш имконини берган;

умумлисоний қонуният бўлган метафоранинг Абдулла Орипов шеърятда воқеланиш хусусиятига оид натижалардан ва хулосалардан ОТ-Ф8-022 рақамли “Ҳозирги замон цивилизациясининг инсон ижтимоий қиёфасига таъсири” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3711-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларини қўллаш асосида тил инсоннинг табиати ва маънавий дунёсининг таркибий қисми бўлиб, фаолиятининг асосий механизми ва қуроли эканлиги, тилдан фойдаланишда ижодкорнинг индивидуал маҳорати бадиий нутқ имкониятининг воқеланишини кенгайтириши ҳамда имконият бойишига ҳам жиддий таъсир кўрсатиши ҳақидаги ўринларнинг мукамаллашишига эришилган;

метафорик кўчма маънонинг шеърый матндаги бадиий-эстетик хусусияти билан боғлиқ илмий натижалардан И-2013-57 рақамли “Ижтимоий экология муаммолари” номли монография тайёрлаш ва чоп этиш” мавзусидаги инновация лойиҳасида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 3 октябрдаги 89-03-3711-сон маълумотномаси). Тадқиқот илмий натижаларидан фойдаланиш лойиҳа бўйича олиб борилган иш мазмуни ва сифатининг мукамаллашувига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация

комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, 1 та хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 130 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Шеърый нутқни “лосон-меъёр-нутқ” асосида ўрганиш ҳақида. Метафора лосоний имкониятларнинг нутқий воқеланиши сифатида”** деб номланган биринчи боби **“Шеърый нутқни “лосон-меъёр-нутқ” асосида ўрганиш ҳақида”** ва **“Метафора лосоний имкониятларнинг нутқий воқеланиши сифатида”** мавзусидаги бўлимлардан иборат. Бобнинг биринчи бўлимида лосон-меъёр-нутқ трихотомияси, шеърый нутқда унинг воқеланиши хусусида сўз боради.

Лосоннинг нутқий воқеланиши объектив ҳодиса бўлиб, бунда у маълум объектив қонун-қоидалар асосида рўй беради. Чунки лосоннинг ҳар доим нутқ шароити, нутқ услуби, нутқ тури (адабий, диалектал) кўринишига қараб турлича воқеланишига гувоҳ бўламиз. Бунда қандайдир қатъий “қонун”лар асосида иш кўрилгандек туюлади. Ана шу ҳолат лосоннинг нутқий воқеланиши шунчаки **“лосон – нутқ”** кўринишида эмаслигини, бунда лосон ва нутқ оралиғида нимадир борлигини кўрсатади. Бу оралиқ бўғин тилшуносликда **меъёр** атамаси билан номланади.⁵

Лосон нутқда адабий тил кўринишида ҳам, шева ва лаҳжа шаклида ҳам, турли табақа, тоифа кишилари нутқида, шунингдек, турли нутқ шароити ва вазиятига мос равишда юзага чиқади. Ана шу мосланиш ва хослашув **меъёр** тусини олади.

Бир қарашда **“эгилувчан”**дек туюладиган шеърый нутқ меъёри ҳам, иккинчи томондан қаралганда, қатъий бўлиб, унда адабий-бадий меъёр ўзига хос кўринишда намоён бўлади. Бунда матннинг умумий яхлитлигини таъминловчи мантиқийлик ҳам муҳим роль ўйнайди.

⁵ Каримов С. Тил таълими ва меъёр: В220100 ва 5220100 филология (ўзбек филологияси) бакалаври йўналишида таҳсил олаётган талабалар учун ўқув қўлланма: – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 6-12.

Шеърӣй нутқ меъёри адабий тил меъёрининг барқарорлик хоссасини мўътадил ва вариантдорлик белгисини насрий нутққа нисбатан кенг қамровли ҳамда образли кўринишда воқелантириши билан характерланади.

Бобнинг 2-бўлими **“Метафора лисоний имкониятларнинг нутқий воқеланиши сифатида”** деб номланган бўлиб, мазкур бўлимда метафора ва уларнинг нутқий воқеланиши, когнитив метафоралар ҳақида фикр юритилган. Метафора барча нутқ услубларида энг кўп учрайдиган функционал-семантик ходисалардан биридир. Метафорик қўлланишларнинг когнитив аспектига эътибор қаратар эканмиз, аслида у бир объектни бошқа бир объект хусусиятлари призмаси асосида кўришни ифодалайди. Инсоннинг когниция жараёнида бевосита кузатишда берилмаган тафаккур муҳити метафора асосида содда ва тушунарли тус олади.

Метафора объектив борликдаги ходисаларни англашда бадиий образ ва окказионал маъноларни ишга солади. У когнитив, ифодавий, бадиий ва семантик вазифаларни бажаради.

Метафора тилнинг ривожланишида, унинг ифода имкониятларининг кенгайишида муҳим унсур. Айнан метафора кўплаб лисоний-нутқий жараёнлар – синонимик воситаларнинг шаклланиши ва ривожланиши, янги маъно ва бўёқларнинг пайдо бўлиши, полисемиянинг вужудга келиши, эмоционал-экспрессив лексиканинг бойишига хизмат қилади. Шу билан бир қаторда, метафора инсоннинг ички ментал дунёсига алоқадор тушунчаларни вербаллаштиришга имкон беради.

Метафора инсон ҳаёти ва фаолиятини тўла қамраб олган ва нафақат тил, хатто тафаккур ва фаолиятнинг ҳам тўлақонли бирлигидир. Чунки, Н.Д.Арутюнованинг фикрича, метафорани тадқиқ этиш тобора интенсифлашиб, тафаккур маҳсули бўлган билимларнинг ҳам турли йўналишларини ўз ичига олади. Илмий тафаккурнинг турли йўналишлари ўзаро алоқага киришиши натижасида эса когнитив ёндашувлар вужудга келди. Когнитив тамойиллар асосидаги метафора эса ҳам лисоний, ҳам бадиий қиммати билан алоҳида мавқега эга бўлиб, тилшунослик, лингвокогнитологик ҳамда лингвопоэтик нуқтаи назардан ўрганишда серқирра объект сифатида намоён бўлади.

Шеърӣй нутқда метафора муҳим аҳамият касб этади. Метафора инсон онги ривожининг, тафаккури таракқиётининг муҳим омили ҳисобланади. У инсоннинг илмий ва бадиий тафаккури ўсишида катта ўрин тутаяди. Шу боисдан метафорани ўрганиш бошқа аспектларда бўлгани каби лингвокогнитив ва лингвопоэтик аҳамиятга ҳам эга.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Абдулла Орипов шеърӣятидаги метафораларнинг лисоний хусусиятлари”** деб номланган бўлиб, биринчи бўлимда **“Адиб шеърӣяти тилини лингвопоэтик тадқиқ қилиш вазифалари”** белгиланган. Ҳар қандай шеърӣй асар матни, аввало, индивидуал нутқий системадир. Шеърӣй нутқ индивидуаллиги шунда яққол кўзга ташланадики, унда жамият ижтимоий психологиясининг шахсий инъикоси, ижтимоий тафаккурнинг **“кичрайган”** кўриниши, шоирнинг иқтидори, кайфияти, жамият идеалларига муносабати, тил лисоний имкониятларидан фойдаланиш малакаси

(тил билими), ҳаёт тажрибаси ва нутқ шароити билан яхлитлик касб этади. Бу эса шоир феноменининг бетакрорлигини таъминлайди. Бу яхлитлик ва унинг ҳар бир узви Абдулла Орипов шеърлятида ўзига хос хусусияти билан ажралиб туради. Улардан бири ҳақида сўз юритишга тўғри келганда, албатта, қолганлари ҳам таҳлилга тортилади. Зеро, система унсурлари, аввало, ажралмас, диалектик боғлиқликда яшайди.

Инсонни ҳайвондан фарқлаб (Алишер Навоий), уни айрича мақом мартабасига кўтарган тил нафақат кишилар учун алоқа-аралашув воситаси, шоир Абдулла Орипов таъбирича, ўткир маънавий қурол ҳамдир. Абдулла Орипов шеърларини ўқилганда, гоҳ ипакдай майин, гоҳ мушки анбардек ифорли, гоҳ ханжардек кескир сўз ва маъно уйғунлиги ҳамда сўзнинг синтактик ва мантикий позицияси ўзгачалиги намоён бўлади. Шу маънода шоир “Эҳтиёж фарзанди” китобида “дарҳақиқат, маълум дид ва савияга эга бўлмаган ижодкор адабиётнинг биринчи элементи бўлган тилнинг ўзидаёқ кимлигини билдириб қўяди”, деб ёзади.

Шоир шеърляти ўзининг қатор хусусиятлари билан ажралиб туради. Ифода усулларининг оригиналлиги, бадий ташбеҳларга асосланувчи образли, таъсирчан ифоданинг замирида залварли мантиқ ётиши, бу мантиқнинг лўнда, ҳар қандай сунъий безакдан холи, ихчам шаклда юзага чиқиши кабиларни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу шаклнинг воқе бўлишида, албатта, аввало шоирнинг диди, тафаккури ва ўткир нигоҳининг уйғун мутаносиблигини кўрамиз. Бу сўзларнинг маъновий, ифодавий, тарихий/замоनावий даражаланиши, лисоний ва нутқий кўчма маънода ишлатилиши, бадий образга мувофиқ ифода танланишида яққол кўзга ташланади. Шоир, айниқса, ҳар қандай бадий ифодада сўзнинг семантик ва эмоционал даражаланишини теран ҳис этади.

Индивидуал поэтик нутқнинг гўзаллигини таъминлашда сўзларнинг бадий вариантларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Абдулла Орипов шеърлятида ҳам бунинг ўзига хос намоён бўлишини кузатамиз.

Тил имкониятларини кенгайтириш Абдулла Орипов шеърлярида ўринли равишда амалга оширилади. Абдулла Орипов шеърлярида окказионал ясалмалар, окказионал маъно ифодалаган сўзлар, окказионал қўлланишлар шоирнинг сўзга муносабатда бетакрор дидидан далолат беради. Шоир иқтидорининг бетакрорлиги унинг борлиқни поэтик идрок этишининг ўзига хослиги билан белгиланади.

Иккинчи бўлимда “**Абдулла Орипов шеърлятида қўлланган метафоралар ва уларнинг таснифи**” ҳақида сўз боради. Бадий адабиётнинг, хусусан, шеърлятнинг жони сўзларнинг кўчма маъносидир. Кўчма маъно ижодкорга ўз лирик қаҳрамони ҳис-туйғуларини эркин ва тўлақонли баён этиш имкониятини бериш баробарида, ўқувчининг қалбига кучли таъсир қилади, унга эстетик завқ беради. Бунда метафорик кўчма маъноли сўзлар семантикасининг поэтик қиймат касб этиши алоҳида эътиборга молик. Абдулла Орипов ижодида бу алоҳида бўртиб турувчи ҳолатдан бири.

Маълумки, метафора дунё тилшунослигида атрофлича ўрганилган масалалардан.⁶ Метафора лингвистик ҳодиса сифатида кенг ва тор маъноларда тушунилади. Тор маънода маълум бир предмет ёки ҳодисани ифодаловчи сўзнинг шунга ўхшаш бошқа бир предмет ёки ҳодисани аташи тушунилса, кенг маънода атама сўзнинг барча кўчма маънода қўлланиш ҳолатига нисбатан ишлатилади.

Семиотик нуқтаи назардан метафора белги вазифасини бажариши ҳам, бажармаслиги ҳам мумкин. Бу метафорик маънонинг лисонийлашуви даражаси билан боғлиқ. Айрим метафорик маъно ижтимоий табиатга эга бўлиб, лисоний хусусият касб этади. Масалан, кўзи сўзининг “фарзанд” метафорик маъноси ўзбек ижтимоий онгида лисоний табиатлидир: *Топган-тутганингни халққа бер, кўзим. (“Бир устоз ўғити”)*.

Бунда метафорик маъно ифодаловчи бирлик семиотик функция бажаради. Бироқ айрим ҳолда соф нутқий, окказионал табиатли метафорик маъно ижтимоий қийматли бўлмаслиги мумкин. Масалан, Абдулла Орипов шеърлятида окказионал ясалма бўлган *маймунона* сўзи⁷ ифодалаган метафорик кўчма маъно семиотик вазифа бажармайди (“Маймуния”). Демак, шоир шеърлятида қўлланган метафорик маънони лисон-нутқ дихотомик бўлиниши нуқтаи назардан иккига ажратиш мумкин: 1) семиотик метафорик кўчма маъно; 2) носемиотик метафорик кўчма маъно.

Метафорик сўз аввал номланган объектнинг иккинчи номи бўлиши мумкин. Масалан, фарзандни қанот, суянчиқ атамалари билан номлаш мумкин бўлиб, бундай маъно иккиламчи семиотик маъно табиатига эга бўлади. Абдулла Орипов шеърлятида окказионал маъноли қанот сўзи айрилиқ азобига нисбатан иккиламчи номинатив вазифа бажарган: *Ҳаммаси олдинда, гам ҳам, алам ҳам, Айрилиқ ҳам, қанотлари зил...* (“Ҳали олдиндадир...”)

Шу асосда метафорик маънони функционал нуқтаи назардан иккига ажратиш мумкин: 1) бирламчи номинатив метафорик маъно; 2) иккиламчи номинатив метафорик маъно. Иккиламчи метафорик кўчма маъно функционал нуқтаи назардан учга ажралади: 1) когнитив функцияли иккиламчи метафорик маъно; 2) образли иккиламчи метафорик маъно; 3) образли-когнитив функцияли иккиламчи метафорик кўчма маъно.

Шаклий структурасига кўра шоир шеърларидаги икки хил метафорани ажратишни маъқул кўрдик: 1) лексик асосли метафора; 2) синтактик асосли

⁶Потебня А.А. Из записок по теории словесности, Харьков 1905. Черкасова Е.Т. Опыт лингвистической интерпретации тропов (метафора) / Вопросы языкознания, 1968, – № 2. Левин Ю.И. Русская метафора: синтез, семантика, трансформации / Ученые записки Тартуского госуниверситета, 1969. Вып. 236; Виноградов В.В. Поэтика русской литературы. Избранные труды. – М., 1976. Телия В.Н. Вторичная номинация и её виды / Языковая номинация (виды наименований), – М., 1977. Аветян Э.Г. Смысль и значение. – Ереван, 1979. Арутюнова Н.Д. Языковая метафора (Синтаксис и лексика) / Лингвистика и поэтика. – М., 1979. Григорьев В.П. Поэтика слова. – М., 1979. Петров В.В. Научные метафоры: природа и механизм функционирования / Философская основания научной теории. –Новосибирск, 1985. Кожевникова Н.А. Словоупотребление в русской поэзии начало XX века. –М., 1986; Метафора в языке и тексте. – М., 1988. Metaphor and I symbol. – L., 1960. Davidson D. What metaphors mean / Referense, truths and reality. – Boston, 1980.

⁷Тўхтасинова О.Т. Ўзбек тилида лексик окказионализмлар ва уларнинг бадий-эстетик хусусиятлари: Филол.фан.номз.дисс. автореф. – Тошкент, 2007. – Б.16.

метафора: а) бирикма асосли метафора; б) гап асосли метафора. Лексик асосли метафорада кўчма маъно содда ёки кўшма сўз (сўз шакл) ёрдамида ифодаланади. Мисоллар:

*Одам болалари турфа нақадар,
Бири мўмин бўлса, бошқаси асов.* (“Одам болалари”).

Синтактик асосли метафорада кўчма маъно сўз бирикмаси ёки гап орқали ифодаланади.

*Баҳор ёқса ҳамки оламга чароқ,
Менинг юрагимда гам ортар эди.* (“Оҳ, ўтган у кунлар...”).

Бир бутун гап метафорик маъно ифодалаш воситаси бўлиб хизмат қилиши мумкин:

*Нигоҳинг қадама қароғимга сен,
Унда тўкилмаган кўз ёшларим бор* (“Оҳ, ўтган у кунлар...”).

Учинчи бўлим “**Абдулла Орипов шеърлятида қўлланган лисоний метафоралар семантикаси**” деб номланган. Лисоний асосли метафорик маъно ҳосил бўлиши ифодаланмишларнинг шаклий ўхшашлиги асосида юз беради. Бунда сўз семантик структурасидаги денотатив семанинг ўзгариши, коннотатив ва функционал семанинг сақланиши кузатилади. Айрим ҳолда коннотатив ва функционал семада ҳам ўзгариш кузатилади. Бу, албатта, денотатив семадаги ўзгариш натижасидир. Лисоний асосли метафораларни кузатиш натижасида амин бўлдикки, метафорик маъно ҳосил бўлиши ва унинг воқеланишида тилнинг яхлит тизимийлик қонунияти намоён бўлади. Бошқача айтганда, кўчма маънони воқелантиришда тилнинг бошқа сатҳлари ҳамкорлиги муҳим роль ўйнайди. Ҳодисаларни шарҳлашга ҳаракат қиламиз.

Эҳ, сиз тоғлар, нақадар кўркам!

Сизга берар илк нурун қуёш.

Пар булутлар, марварид қорлар

Юксак чўққи узра қўйган бош.

ЎТИЛда бермоқ сўзининг қуйидаги маънолари берилади: 1. Кўлига тутқазмоқ; кўлига ёки ихтиёрига топширмоқ. 2. Таъмин этмоқ, эҳтиёжини қондирмоқ. 3. Маҳсулот етиштирмоқ, тайёрлаб етказиб турмоқ. 4. Бирор муассасага киритмоқ, ўрнаштирмоқ. 5. Бахш этмоқ, бағишламоқ; бирор тус, кўриниш, кайфият ва шу каби ҳосил қилмоқ, киритмоқ.⁸ Луғатда сўзнинг маънолари жами 10 та бўлиб, зикр этилганларидан бошқаси мустақил маънолар сифатида берилмайди. Изоҳдан маълум бўладики, биринчи лексикографик маъно бош маъно бўлиб, бу “бирор нарсани бирор кишига топширмоқ” семемаси асосида ҳосил қилинган. Семеманинг семалари таркиби қуйидагича: “бирор нарсани”, “бирор кишига”, “топширмоқ”. Кўринадики, сўзнинг аташ семалари бўртгани ҳолда унинг ифода семалари сўз бўёксиз ва умумистеъмол бўлгани учун кучсиз ва мўътадилдир. Сўз кўчма маъно ифодалаганда ана шу семалардан бири кучайиб, бошқалари кучсизланиб боради.

⁸Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. 2-том. – М.: Русский язык, 1981. – 104.

Шеърда сўзнинг ЎТИЛда изоҳланган 5-лексикографик маъноси (Бахш этмоқ, бағишламоқ; бирор тус, кўриниш, кайфият ва шу каби ҳосил қилмоқ, киритмоқ) юзага чиққан. Бу метафорик маъно *сиз* олмоши замиридаги *тоғ* ва *кўёш*, *нур* сўзлари ёрдамида намоён бўлган. Бунда кўёшнинг нур сочиш ҳаракатининг инсоннинг бирор нарсани узатиш ҳаракатига ўхшашлигига, яъни ҳаракатларнинг зоҳирий кўринишига асосланган. Буни иккиламчи метафорик номинатив маъно дейишга асос бор. Зеро, ифодаланмиш учун тилда *ёйиш*, *сочиш* феъллари кўпроқ мувофиқ. Бироқ шоир *бермоқ* феълидаги “саховат”, “химмат” ифода семаларини кучайтириш имкониятидан кенг фойдаланган ҳолда ушбу феълни қўллаган. Натижада феъл семемасидаги аташ семалари маълум даражада ифода семалари кучайиши ҳисобига торайган.

Худди шундай ҳолат *марварид* сўзининг метафорик маъно ифодаланишида ҳам кўзга ташланади. *Юксак чўққи узра қўйган бош* мисрасида метафорик маъносининг ифодаловчиси синтактик шаклидир. Аниқроғи, маъно бирикма воситасида ифодаланган. Албатта, фразеологик маъно билан шаклдошлик мавжудлигини ҳам айтиб ўтиш лозим. Чунки тегишли иборалар луғатида шундай ибора варианты борлиги қайд этилган.⁹ Бунда ҳам ифодаланмишларда денотатив ўхшашлик мавжуд. Қорнинг чўққида бўлиши, булутларнинг унга тегиб туриши инсоннинг бошини ерга қўйишига шаклан ўхшайди. Ҳаракатлардаги зоҳирий ўхшашлик иккиламчи метафорик маънога асос бўлган. Бу метафорик маъно, албатта, муайян ўхшашликка асосланган бўлса-да, фақат образли функция бажараётир.

Бош қўймоқ бирикмаси қўшимча ифодавий функция ҳам адо этади. Бунда зимдан тоғнинг улуғворлигига тан бериш, унга бош эгиш маънолари ҳам уқилиши мумкин. Демак, барибир шеъринг мисрада ифода семасининг кучайиши кузатилади. Тоғ учун салобат, улуғворлик, маҳобат хос. Умуман олганда, тоғ улуғворлик рамзи. Шу боисдан шоир шалоллага нисбатан шўх, хайқирмоқ сўзларини боғлайди. Шалоланинг жўшқинлиги инсоннинг шўхлик ҳолатига зоҳиран ўхшайди. Кичик ирмоқ кўринишидаги жилғанинг шарқираб оқишини бундай қиёслаш лисоний метафоранинг ёрқин намунаси:

***Шўх шалола тошар хайқириб,
Кўксингизга бахш этиб чирой.***

Мисрадаги *хайқирмоқ* сўзи эса маълум даражада шалоланинг ҳолатига мос тушмагандек. Ҳолбуки, хайқириш дарё шовқинига нисбатан қўлланса, тўғрироқ бўлади. Шарқираш, шовуллаш ва хайқириш градуонимик муносабатга киришиб, белгининг даражали фарқини ўзида акс эттиради. Шалола эса дарёнинг бир парчасига мос келади. Мазкур қўшмисра микроматн сифатида олингандагина *кўкс* сўзининг метафорик маъноси англашилади. Сўз иккиламчи метафорик моҳият касб этган. Чунки бу денотатни ифодаловчи сўз тилда мавжуд. У – ён сўзи, тоғнинг олд томони, чўққининг ёни каби. Лекин инсон танаси билан ўхшашлик *кўкс* сўзига

⁹Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б.57.

метафорик қиймат берган. *Кўкс* сўзининг “олд томон” семаси метафорик маънода асосий сема даражасига кўтарилган. Айтилганидек, бу метафорик маънонинг “аниқловчиси” банднинг олдинги мисрасидир. Усиз маъно ўқилмайди. Бу кўчим образли ифода воситаси бўлиб хизмат қилган.

Қояларга бош ураб сапчиб,

Сувлар тўлиб оққан тошқин сой

мисраларида воқеланган метафорик маъно ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. *Бош урмоқ* бирикмаси маъносини бир неча кўринишда англаш мумкин. Бошқача айтганда, бу ерда маъно “бошни кўймоқ” тарзида идрок этиладиган бўлса, ифодаловчи шакл сўз бирикмаси кўринишида бўлади ва *бош* сўзи ҳам, *урмоқ* сўзи ҳам алоҳида-алоҳида равишда метафорик маъно ифодалайди. Бунда “сапчиган” сувнинг юқорига кўтарилиб қайтган қисми инсоннинг бошига ўхшатилади ва “юқори қисм” аташ семаси бош ва ҳосила (метафорик) маънони боғловчи занжир вазифасини ўтайди. *Урмоқ* феълининг ушбу матндаги маъносида аслида кўймоқ феълининг ЎТИЛдаги “кўлдаги ёки умуман кўтариб олинган нарсани бирор жойга ўрнаштирмоқ, жойлаштирмоқ” 1-лексикографик маъноси “*бирор жой ёки нарсага тираб, тақаб, қўндириб ўрнаштирмоқ, ўрнатмоқ*”¹⁰ оралиқ кўринишига монандлик кузатилади. Лекин “зарб билан” семаси ундан фарқлайди. Буни нолисоний асос – шалоланинг шиддатли ҳаракати ҳамда лисоний омил *сапчиб* феъли ҳам мустаҳкамлайди. *Бош урмоқ* таъзим қилмоқ, бўйсунмоқ маъноларига ҳам эга. Бунда бирлик фразеологик қийматга эга бўлади. Воқеланган ийҳом санъати бу маънонинг ҳар икки маъносидан биттасини танлаб идрок этишни тақозо қилади.

Сапчиб феъли мисрада ўз лисоний моҳиятидаги “кескин ҳаракат билан кимсага, нарсага ташланмоқ, ўзини отмоқ” лексикографик маъносидаги “ташланмоқ” узвини кучсизлантирган, “отмоқ” узвини эса кучайтирган ҳолда воқелантирган. Феълнинг семантик моҳиятида ижобийлик/салбийлик муносабати аслида мўътадил. Бироқ мазкур мисрада ижобийлик устуворлашган ва бу *бош урмоқ* бирикмаси билан қувватланган. Соматик фразеологизмларнинг мисралардаги мавқеи кўриниб турибди. Хусусан, кейинги

Сиздан кўзин узолмай ҳар кеч

Қуёш қўяр ёстигига бош

мисраларида воқеланган метафорик маъно ана шундай иборалар воситасида ифодаланган. Қуёшнинг кун бўйи тинмай кўкда нур сочиб туриш ҳолати инсоннинг кўз олмай тикилиб туриш ҳолатига қиёсланади. Бунда ҳам *кўзин узолмай* ибораси метафорик кўчма маъно ифодалаган. *Кўзин узолмай* (кўз узмай) ибораси “муттасил қарамоқ” семемасига эга¹¹. Мисрада семемадаги “муттасил” узвига таянилган ҳолда “қарамоқ” узви кучайтирилган. Қуёшнинг муаллақлик ҳолати тирик мавжудот (инсон)нинг қараш ҳолатига қиёсланади ва уларнинг монандлиги бўрттирилади. Бир ҳолат иккинчи бадий ҳолатни

¹⁰Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томлик. 2-том. – М.: Русский язык, 1981. – Б.632.

¹¹Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – Б. 130.

келтириб чиқаради ва бу ҳам метафорик маъно асосида жонлантирилади: *Сиздан кўзин узолмай ҳар кеч Кўёш қўяр ёстигига бош.* “Ҳар чўққи, ҳар тош”нинг тунги кўриниши инсоннинг ухлаш ҳолатига ўхшатилади. Бунда муайян образли метафорик маъно намоён бўлган:

Соф ҳавода олишиб ором

Ухлар сокин ҳар чўққи, ҳар тош.

Ором олмоқ бирлигининг маъноси ухламоқ сўзи маъноси орқали кучайтирилади. *Шовқин солмоқ* иборасининг “бировга қарата баланд овоз билан қаттиқ гапирмоқ, бақирмоқ” семемасидаги салбийлик оттенкаси олдинги мисрадаги шўх ва шалола сўзлари ёрдамида кучсизланади ва унинг ўрнини ижобийлик эгаллайди:

Фақатгина у шўх шалола

Дараларга солади шовқин.

Демак, бунда синтактик омил феъл ибора семемасидаги семик модификация воситаси бўлиб хизмат қилади. Кейинги мисрада “бутун тана асосида ҳаракатланмоқ” маъносини бераётган *сузади* феъли ёрдамида ифодаланган иккиламчи метафорик маъно “ҳавода” семик узви орқали муайян кўчимни юзага келтираётганлиги билан характерланади:

Ой сузади кўм-кўк самода,

Ўқигандек ҳуснингга таҳсин...

Абдулла Орипов инсоний гўзалликни ифодаловчи дилрабо сифатини тоққа нисбатан қўллаш билан унда инсоний маҳобатни кўради. Зеро, яратганнинг энг гўзал кашфиёти – инсон. Бошқа гўзалликлар ҳам ана шу мавжудликнинг гўзаллиги билан ўлчанади. Бунда ҳам шоир муайян образли метафорик маъно ифодалаш учун хизмат қилган.

Эҳ, сиз тоғлар, дилрабо тоғлар,

Ёш қалбимни мафтун этгансиз.

Кўринадик, Абдулла Орипов лирик шеърларида лисоний метафоранинг турли кўринишларидан унумли фойдаланиб, гўзал образлар яратишда тилнинг нозик семантик имкониятларини ўз бадий ниятига йўналтиради. Окказионал боғланишлар асосидаги матний силсила ва бадий ҳамда мантиқий маҳорат сўзлар метафорик маъносининг қуйма ва оригинал ҳолатли бўлишини таъминлаган. Бадий ният, лисоний асос ва нутқий эркинлик омехталиги ва муштараклиги гўзал кўчимлар ҳосил қилиш имконини берган.

Тўртинчи бўлим **Абдулла Орипов шеърлятида қўлланган бадий метафоралар семантикаси** ҳақида. Бадий метафора метафоранинг муҳим кўринишларидан бири бўлиб, бадий нутқнинг образлилиги ва таъсирчанлиги, кўтаринкилиги ва тантанаворлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бадий асарда, айниқса, шеърлятда ифодалилик, образлилик асосий тасвир воситасидир.

Фавқулудда метафора ҳар бир шоирнинг ижодида окказионал ифода эканлиги билан характерланади. Масалан, шоир Абдулла Ориповнинг “*Кузак*

шамоллари...” шеърида *Бизнинг теграмизда ёнаётган куз Қайсидир ошиқнинг сўнган юраги* мисралари бор. Бунда шоир куз сўзини ошиқнинг сўнган юрагига нисбатан қўллайди. Шоир ўхшатиловчи денотатлар орасида ботиний боғлиқликни кўради. Бундай ҳолат бошқа шоирлар шеърида кўзга ташланмади. Демак, бу образли метафорик маънонинг фавқулоддалигини кўрсатади. Тадқиқотларда бадиий метафоранинг бу икки тури умумий ва индивидуал метафора деб ҳам фарқланади. Бадиий метафора, юқорида айтилганидек, шартли ёки ботиний ўхшашликка асосланган метафора сифатида баҳоланар экан, бунда кўчма маънода қўлланаётган сўзнинг семантик структурасидаги семик мувофиқлашув унинг қайси семалари таркибида кўпроқ кўзга ташланишига эътибор қаратилди.

Кузатувлардан маълум бўладики, бадиий метафора, лисоний метафорадан фарқли равишда, сўз семантик структурасидаги ифода семаларининг кучайиши, бунинг эвазига аташ семаларининг кучсизланишига асосланади. Бадиий метафоранинг нутқий воқеланишига денотатив асосли метафорадан фарқли равишда кескин таъсир қилувчи, реаллаштирувчи восита мавжудлиги кузатилмади. Бироқ бундай метафора ифода семалари асосида бўлганлиги туфайли метафорик маъно ифодаловчи бирликда сифатлаш вазифасига хосланиш кўпроқ кузатилди.

Учинчи боб “**Абдулла Орипов шеъриятида қўлланган метафораларнинг бадиий вазифалари**” деб номланган. Биринчи бўлимда “**Абдулла Орипов шеъриятида қўлланган метафораларнинг бадиий санъат ҳосил қилиш хусусиятлари**” ҳақида фикр юритилади. Абдулла Орипов маъно кўчишининг метафорик усулидан унумли фойдаланган ҳолда бадиий санъатларнинг гўзал намуналарини яратади. Айниқса, унинг мумтоз жанрда яратган асарларида бунинг ёрқин намунасини кўриш мумкин. Қуйида “Бу кун” радибли ғазалида метафорик маъно кўчиш усули асосида яратилган айрим шеърий санъатдан намуналарни кузатамиз:

*Ваҳки, ишқ саҳросида қолдим бешиқ танҳо бу кун,
Чиқма, Қайс, оҳим билан ёнмоқда бу саҳро бу кун.*

Шоир севги савдосини саҳро азобига қиёслайди. Саҳро сўзининг ифода семаси (“азоб-уқубат макони”) байтдаги истиора санъатига асос бўлган ва аташ семалари бутунлай кучсизланган. Маълумки, “истиора арабча сўз бўлиб, “бирор нарсани омонатга (вақтинча) олмоқ” деган маънони ифодалаб, бадиий асарда сўзни ўз маъносидан бошқа бир маънода, аниқроғи, уни ҳақиқий маъносида эмас, балки мажозий бир маънода қўллаш санъати саналади”¹². Шоир бунда саҳро сўзининг анъанавий мажозий маъносига таянган ҳолда истиора санъатини ҳосил қилган. Истиора санъати ўхшатиш санъати бўлганлиги учун ҳам ташбиҳга яқин бўлиб, ўхшатиловчи объект туширилган ташбиҳ, ташбиҳи киноя, ташбиҳи киноят ҳам дейилади. “Ташбиҳи киноят андин ибораттурким, сўзлагувчи ўз кўнглида бир нимани бир нимага ташбиў қилур ва каломда ташбиҳ одотин келтурмас ва мушаббахни

¹² Ҳожиаҳмедов А. Шеър санъатларини биласизми? – Тошкент: “Шарқ” НМК, 1999. – Б.12.

